

КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

К.М.Дадаев

*Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети
“Ижтимоий фанлар” кафедраси ўқитувчиси*

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни иқтисодиётдаги ўрни ва уни ривожлантиришнинг объектив зарурияти қуйидагилар орқали изоҳланади: биринчидан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик жаҳон иқтисодиётининг таркибини ташкил этувчи асосий тармоқлардан биридир, мазкур соҳанинг тараққий этиши мамлакатда иқтисодий фаолликни таъминлашга бевосита таъсир қилади. Бундан ташқари ички бозорнинг сифатли истеъмол товарлари билан тўлдирилиши, ташқи иқтисодий фаолиятнинг ўсиши ва аҳолининг самарали бандлигини таъминлаш ва унинг реал даромадларини кўпайтириш масалаларининг ечими ҳам мазкур тармоқнинг ривожланишига боғлиқ. Иккинчидан, глобаллашув ва иқтисодиётнинг интеграциялашуви жараёнида жаҳон бозорида рақобатнинг тобора кучайиб бориши шароитида айнан кичик бизнес йирик ишлаб чиқарувчиларга нисбатан кам маблағ сарфини талаб қилиши, ҳаракатчанлиги ва бозор конъюнктурасининг ўзгарувчан талабларига тезда мослаша олиш, ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш каби имкониятларга эгадир⁴⁷.

Иқтисодчи олим П.З.Хошимов ўзининг илмий қарашларида тадбиркорлик фаолияти хавфсизлиги деганда, тадбиркорлик фаолияти субъекти амал қилишининг барча босқичларида, биринчи навбатда, иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа салбий оқибатларга олиб келувчи ички ва ташқи таҳдидлардан муҳофаза қилинганлигини тушуниш лозим” дея таъриф келтирган⁴⁸. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодий-молиявий хавфсизлиги, барча мулкларнинг мақбул нисбатига асосланиб, субъектнинг барқарор фаолият олиб боришга, қийинчиликлар ва таҳдидларга муносиб жавоб беришга, ривожланиш ва такомиллаштириш имконини беради. Субъектнинг мақсад ва вазифалари тадбиркорликнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг устувор йўналишларини ярата олиш имкониятини таъминлайди. Шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни иқтисодий-молиявий хавфсизлигини таъминлашнинг қуйидаги асосий функционал компонентларини баҳолаш орқали аниқлаш мумкин деб ҳисоблаймиз:

- функционал компонентларга омилларнинг сезиларли таъсир кўрсатиши;

⁴⁷ Махмудов Жасурбек. Инновацион иқтисодиёт шароитида кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришнинг объектив аҳамияти. Иқтисодиёт ва таълим, 2021 йил, 6-сон. -Б. 137.

⁴⁸ Хошимов П.З.. Тадбиркорликнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш концепцияси ва тизими. “Иқтисод ва молия” илмий журнали-Т.: 2015/11. 24-б

- иқтисодий хавфсизликнинг функционал компонентларини таъминлашга таъсир этувчи асосий жараёнларнинг таъсирини аниқланиши;

- иқтисодий хавфсизликнинг функционал компонентларини таъминлашда иқтисодий кўрсаткичларни аниқланиши.

Бизнингча тўлиқ иқтисодий хавфсизликни таъминлашда хўжалик юритувчи субъектларнинг ички ресурслардан тўлиқ ва самарали фойдаланиш орқали эришиш мумкин бўлади. Бунда ресурсларнинг барча даражаларида бошқарувни самарали ташкил этиш ва молиявий тизимлардан оқилона фойдаланишни талаб этилиши керак. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодий хавфсизлигининг ҳолатига бевосита таъсир кўрсатиши мумкин бўлган таҳдидларнинг ҳар бири моддий, маънавий ва молиявий зарарни келтириб чиқаради. Аниқланган таҳдидни камайтириш ва олдини олиш бўйича амалга оширилаётган чора ва тадбирлар унинг минимал даражагача камайтириш имконини яратади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда иқтисодий-молиявий хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини оширишда ўнта функционал таркибий қисмдан: молиявий, интеллектуал, кадрлар, технологик, ҳуқуқий, куч, ахборот ва экологик таҳдидларни бартараф этишга ҳар томонлама ёндашувни талаб қилиниши керак.

Мазкур омиллар хўжалик юритувчи субъектларда иқтисодий-молиявий хавфсизлигини таъминлашда ва соҳада барқарорлик, хавфсизлик ва молиявий қудратга эга бўлишни таъминлайди. Бизнес юритувчи субъектларнинг иқтисодий хавфсизлигига таҳдидларни зарарсизлантиришнинг асосий стратегик йўналишларини белгилаш орқали субъектнинг таҳдидлардан ҳимоя қилиш чора-тадбирларни амалга ошириш мумкин (1-жадвалга қаранг).

Умуман олганда иқтисодий-молиявий хавфсизлик тизими ва унинг самарали фаолиятига кўмаклашувчи чора-тадбирларни доимий равишда янгилаш ва қайта кўриб чиқишни талаб этилиши керак. Хўжалик юритувчи субъектларда иқтисодий хавфсизлик чораларини самарали амалга ошириш учун иқтисодий хавфсизликни таъминлаш мақсадида бир вақтнинг ўзида назорат ва мувофиқлаштирувчи вазифаларни бажариши лозим. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятида иқтисодий хавфсизликни таъминлаш самарадорлигини оширишда таҳдидларни таснифлаш ва таснифлар асосида иқтисодий хавфсизликни баҳолаш ҳамда кичик тадбиркорлик субъектларида ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш тизимларини самарадорлигини оширишга эришилади⁴⁹.

⁴⁹ Байбобоева Ф.Н. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятида иқтисодий хавфсизликни таъминлаш. "Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar" (Economics and Innovative Technologies) ilmiy elektron jurnali №3.2022 йил.-Б.283-290.

1-жадвал. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда иқтисодий-молиявий хавфсизлик самарадорлигини оширишда таҳдидларни зарарсизлантиришдаги асосий стратегик йўналишлар⁵⁰

№	Йўналиш	№	Йўналиш
1.	Ички ва ташқи таҳдидларни ўз вақтида аниқлаш билан мунтазам мониторинг олиб бориш	6.	Техник ва технологик хавфсизликни таъминлаш
2.	Прогнозлаш, режалаштириш ва барқарорликни таъминлашда тўлиқ иқтисодий хавфсизликни таъминлаш бўйича бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш	7.	Ахборот хавфсизлигига таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва уларни олдини олиш чораларини кўриш
3.	Хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий хавфсизлик кўрсаткичларининг миқдорий ва сифат қийматларини ҳисоблаш ҳамда ахборот соҳасидаги таҳдид ва хавфлар салоҳиятини аниқлаш	8.	Хужжатларни юритишни тартибга солиш ва уни сақлаш чораларини кўриб бориш
4.	Хўжалик юритувчи субъектнинг тижорат сирини ташкил этувчи маълумотларни назорат қилиш	9.	Бошқарувда самарали қарор қабул қилиш, рағбатлантириш чораларини кўриб бориш
5.	Профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш	10.	Компания раҳбарияти ва ходимларнинг жисмония ҳимоясини таъминлаш

Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги ислохотлар натижасида ялпи ички маҳсулотда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 2016 йилдаги 66,8 фоиздан бугунги кунда 51,8 фоизга пасайди. Камайишининг асосий сабаби, йирик тадбиркорлик субъектларида қўшилган қиймат ҳажмининг ошиши билан ифодаланади. Ушбу соҳада жами саноат маҳсулотларининг тўртдан бир қисми, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 98,1 фоизи ишлаб чиқарилмоқда. Иш билан банд жами аҳолимизнинг 74 фоиздан ортиғи мазкур тармоқда меҳнат қилмоқда. 2023 йилда иқтисодиёт тармоқларида кичик тадбиркорлик (бизнес)нинг саноатдаги улуши 25,9%, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги – 97,0%, қурилишда – 72,4%, экспортда – 29,5 %, импортда - 49,4 % ва хизматлар соҳасидаги – 51,5 % улуши аниқ кўрсатилган⁵¹.

Жаҳон амалиётида иқтисодий ривожланишнинг юқори суръатларига эришган дунёнинг бирорта ҳам давлати иқтисодий ўсишга қаратилган сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес тузилмаларининг аҳамиятини камайтиргани йўқ. Кичик бизнес тузилмалари ҳар қандай иқтисодиётни ривожлантириш учун муҳим аҳамиятга эга, йирик ва ўрта корхоналар билан таққослаганда, улар макроиқтисодий вазиятнинг ўзгаришига

⁵⁰ Муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган.

⁵¹ Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

осонроқ мослашади, бу эса маълум бир минтақадан ишчи кучи оқимини камайтиришга ёрдам беради.

Бугунги кунда кичик бизнес тузилмалари тобора кўпроқ истеъмолчилар эҳтиёжларига йўналтирилган, турли хил товарлар ва хизматлар ишлаб чиқаради, динамик ривожланиши ва индивидуал ишлаб чиқариш тавсифи билан ажралиб туради. Бир қатор иқтисодчилар кичик бизнес тузилмаларини бозорларга рақобатни олиб кирувчи деб ҳисоблашади, чунки бозорларда қанча кичик корхоналар мавжуд бўлса, уларнинг монополлашув даражаси шунчалик паст бўлади. Шу билан бирга, йирик бизнес, қоида тариқасида, бозорни монополлаштиришга ва рақобат механизмини чеклашга қаратилган.

Кичик бизнес тузилмалари ҳам мамлакат ичида, ҳам хорижда амалга оширилаётган инновацион жараёнларнинг ажралмас иштирокчилари ҳисобланади. Кичик корхоналар юқори даражада ҳаракатчан ва инновацияларга тез мослашади, бу эса уларга ўрта ва йирик корхоналарга қараганда анча қисқа вақт ичида инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш имконини беради. Шу билан бирга, кичик корхоналар ўрта ва йирик корхоналарга нисбатан бозорда энг заиф ҳисобланади, чунки улар катта капиталга эга эмас. Бу ҳолат кичик бизнесни ривожлантиришни фаол давлат томонидан қўллаб-қувватлашни назарда тутаяди.

Хулоса сифатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий-молиявий хавфсизлигини тадқиқ этишда хавфсиз ҳолат деб шундай тизим ҳолати тушуниладики, у иқтисодий салоҳият ва самарали бошқарув чораларидан фойдаланиш орқали шаклланади ҳамда стратегик мақсадларга эришишни таъминлайди. Бунда ташқи ва ички таҳдидларни нейтраллаштиришнинг самарали усулларини танлаш орқали барқарорлик заҳирасини таъминлаш имконияти яратилади.

МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИ АСОСИДА АКТИВЛАР ҚАДРСИЗЛАНИШИНИНГ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

Жаримбетов Ажинияз Курбанбаевич
*Тошкент давлат иқтисодиёт университети,
таянч докторант*

Мамлакатимизда Ўзбекистон республикаси Президентининг 2020-йил 24-февралдаги ПҚ 4611-сон “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори асосида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти (МҲХС)га ўткан хўжалик юритувчи субъектлар ўз молиявий ҳисоботларини МҲХС асосида юритиб келмоқда. МҲХС бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти